

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR

# JOCAA

VOLUME I, ISSUE 8

МАДАНИЈАТ ВА САНЉАТ

# JOURNAL OF CULTURE AND ART

КУЛТУРА И ИСКУССТВО

OCTOBER

2023



ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-8

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-8

ТОШКЕНТ – 2023

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 8 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-8>

## БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал  
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол  
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим  
Козимович  
Ходжаметова Гулчира  
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни  
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус  
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих  
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов  
Фахриддин  
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз  
Турабович  
Умаров Мамур  
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна  
нутқи” кафедраси доценти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси  
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани  
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
кафедра мудири, Санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида  
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”  
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон  
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта  
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло  
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати  
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-  
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил  
изланувчи (PhD)

Алланбаев Рудакий  
Оринбаевич  
Зиявутдинова Зулфия  
Усеиновна  
Раимова Дилфузахон  
Махаммадсолиевна  
Ботирова Хилола  
Турсунбаевна

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”  
медали соҳиби, профессор в.в.б

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти , 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**ДАДАЕВ Ахматжон Шакаримович**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

“Миллий хонандалик” кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10034532>

## ДАРВЕШ АЛИ ЧАНГИЙНИНГ “МУСИҚИЙ РИСОЛА” СИДА НОМИ ТИЛГА ОЛИНГАН БАСТАКОРЛАР

### АННОТАЦИЯ

Ўзбек мумтоз мусикаси қадимдан мусиқа илми билимдонлари, бастакорларининг ижодий фаолиятлари туфайли бойиган. Бугунги кунга қадар етиб келган мақомларимиз, мумтоз асарларимиз ана шу бастакорларнинг ишлари самарасидир. Бир қанча қадимий қўлёзмаларда мусиқа оламида ижод қилган мусиқачилар қаторида бастакорлар ҳам тилга олинган. Худди шундай, Дарвеш Али Чангийнинг “Мусиқий рисоласи”да ҳам истеъдодли инсонлар қаторида, 16-17 – асрларда яшаган, бастакорларнинг фаолияти тилга олинган. Ушбу мақолада Чангийнинг мусиқий рисоласида келтирилган бир нечта бастакорлар ва уларнинг яратган асарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** мусиқий рисола, Дарвеш Али Чангий, бастакор, пешрав, сақил, накш, амал, парда, илми мусиқий, мусиқа, асар, товуш.

## КОМПОЗИТОРЫ, ПЕРЕЧИСЛЕННЫЕ В МУЗЫКАЛЬНОМ ТРАКТАТЕ ДАРВЕША АЛИ ЧАНГИ

### АННОТАЦИЯ

Узбекская классическая музыка обогатилась в древние времена благодаря творческой деятельности знатоков музыки и композиторов. Наш маком и классические произведения, дошедшие до наших дней, являются результатом творчества этих композиторов. Во многих древних рукописях среди музыкантов, работавших в мире музыки, упоминались и композиторы. Точно так же в «Музыкальном трактате» Дарвеша Али Чанги, среди талантливых людей, живших в 16-17 веках, приведена деятельность композиторов. Эта статья содержит информацию о нескольких композиторах и их музыкальных произведениях, которые представлены в музыкальном трактате Чанги.

**Ключевые слова:** музыкальный трактат, Дарвеш Али Чанги, композитор, пешрав, сақил, накш, амал, нота, наука о музыке, музыка, произведение, звук.

## COMPOSERS LISTED IN THE MUSICAL TREATISE OF DARVESH ALI CHANGI

### ANNOTATION

Uzbek classical music was enriched in ancient times thanks to the creative activity of music connoisseurs and composers. Our makom and the classical works that have come down to our days are the result of the work of these composers. In many ancient manuscripts, composers were mentioned among the musicians who worked in the world of music. Similarly, in the "Musical Treatise" by Darvesh Ali Changi, among the talented people who lived in the 16th and 17th centuries, the activity of composers is given. This article contains information about several composers and their musical works, which are presented in the musical treatise of Changi.

**Keywords:** musical treatise, Darvesh Ali Changi, composer, peshrav, sokol, our, amal, note, science of music, music, work, sound.

Энг қадимий маданият ўчоқларидан бири саналган Ўрта Осиёда яшаган халқлар жаҳон маданияти ва илму фанига жуда катта ҳисса қўшганлар. Айниқса, муסיқа маданияти соҳасининг ривожини йўлида олиб борган илмий ва амалий ишларини алоҳида эътироф этиш лозим. Бугунги кунга қадар етиб келган муסיқий рисолалар Шарқ мутафаккирларининг муסיқа илмини нақадар чуқур ўрганганликларидан далолат беради. Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Хоразмий, Дарвеш Али Чангий, Абдурахмон Жомий, Зайнуллобиддин Хусайний каби кўплаб олимларнинг муסיқа назариясига оид илмий асарлари мавжуд бўлиб, улар бутун жаҳонга машхурдир.

Дарвеш Али Чангийнинг “Рисолаи муסיқий” асари бир неча асрлар давомида муסיқашунослар ва санъат аҳли учун энг зарур илмий манба сифатида хизмат қилиб келди. Бу асарнинг нусхаси бугунги кунда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади (инв. №№ 449, 468). Бу асар жуда катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, XVI – XVII асрлардаги муסיқий муҳит ва маданиятнинг асосий манбаи саналади. Қўлёзма форс тилида ёзилган ва у 12 бобдан иборат. Дарвеш Али Чангий уни ёзишда Абдурахмон Жомий, Кавкабийнинг рисолаларида келтирилган маълумотлардан унумли фойдаланган. Шу билан бирга Хусайн Охун, Зайтун Ғижжакий, Имом Кулий Удий каби муסיқа илмининг билимдонларининг асарларидан ҳам маълумотлар олган бўлиб, улар ҳақида ўз рисоласида тўхталиб ўтган.

Дарвеш Али Чангийнинг “Муסיқий рисола”сида XVI – XVII асрлардаги Ўрта Осиёдаги муסיқий ҳаёт, басткорлик санъати, муסיқий чолғулар, муסיқа назарияси ва ижрочилик масалаларини ёритган. Умуман бу асарни жуда ёрқин тарихий манба дейиш мумкин. Муаллиф ўзи ҳам нақш, амал, савт, пешрав шаклидаги куйлар яратиб бастакорлик фаолиятини олиб борган ҳамда рисоласининг 9-бобини айнан муסיқа бастакорларига, иқтидорли инсонларга бағишлаган. Яъни бу ерда XVI – XVII асрларда яшаб ижод этган машхур бастакорларнинг фаолияти ва ижодига тўхталиб ўтган.

Рисоланинг 9-боби устоз Зайтун Ғижжакий ҳақидаги маълумотлар билан бошланади. Дарвеш Али Чангий уни аввало ўта истеъдодли ижрочи сифатида таърифлайди [1, Б.53].

Унинг ғижжак чолғусидаги ижросини эшитган ҳар қандай тингловчининг кўнглида турли ҳислар туғён уришини айтади. Зайтун Ғижжакий турли мақомларга бир неча пешравларни яратган. Айниқса сақил усули билан Хусайний мақоми пардаларида яратилган пешрав тингловчиларнинг ҳайратини оширди. Зайтун Ғижжакий энг моҳир ижодкор ва созанда сифатида Ғилонда ҳукмронлик қилган Аҳмад хон (1524-1576) саройига таклиф этилган. Хон Аҳмад Ғилоний эса ҳукмдор бўлишига қарамай муסיқа илмини чуқур ўрганган олим сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Бундан ташқари уд чолғусида бетакрор ижролари билан барчани мафтун қилган.

Хон Ахмад Ғилоний яратган бир қанча пешравлар ҳам элда машхур бўлган. Унинг панжгоҳ мақоми пардаларида мухаммас усули билан яратилган “Исфакон” номли пешрави энг кўп ном қозонган пешравлардан саналади. Маълум бўлишича хон хукмдор бўлишдан кўра, муסיқа илми билан шуғулланишни яхши кўрган ва Зайтун Ғижжакийга шогирд тушган [1, Б.54].

Ўз асрининг Афлотуни сифатида тан олинган мутафаккир, олим Мавлоно Ҳусайн Охундни Дарвеш Али Чангий мохир ва билимдон муסיқачи сифатида ҳам эътироф этади. У Абдуллахон (1583-1598) хукмронлиги даврида яшаган бўлиб, ўша даврдаги муסיқачилар ва санъаткорлар орасида ўз истеъдоди билан алоҳида ажралиб турган. Кунлардан бир кун Абдуллахон Бухорода жойлашган, ўзи курдирган мадрасада мусобақа ташкил қилади. Мусобақада иштирок этаётган яна бир муסיқачи Али Дўст хон хузурда ўзи басталаган амални ижро қилади. Буни тинглаган Мавлоно Ҳусайн Охунд ундан сўрайди: “Дўстим, сиз буни амал сифатида яратдингизми ёки савт сифатидами?”. Али Дўст эса буни амал сифатида басталаганини айтиб ўтади. Мавлоно Ҳусайн Охунд эса: “Амал мустахалсиз бўлмайди, сиз эса бу амални мустахалсиз басталабсиз”, дейдию шу ернинг ўзида Али Дўстнинг амалига мустахал басталайди. Шу ернинг ўзида закий устоз ва шогирд ўртасидаги гўзал жараён туфайли янги бетакрор асар дунёга келади. Али Дўст ҳам устози Мавлоно Ҳусайн Охунд кўл остида етук бастакор бўлиб етишади [1, Б.60].

Рисолада Али Дўстнинг шогирди, машхур шайх Сайид Ҳусайн Хоразмийнинг ўғли Махзумзода Хоразмий ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Махзумзода Хоразмий кўплаб савт ва нақшлар басталаган ижодкор сифатида эл орасида машхур бўлган. У басталаган нақшлар Бухорода кенг тарқалган бўлиб, созандалар томонидан севиб ижро қилинган. Унинг донғини эшитган Хофиз Чангий танишиш мақсадида Самарқандга келади. Ўша вақтда Самарқанд хукмдори Султон Ҳусайн Мирзо Хитойдан зафар билан қайтади ва халқ уни катта кутловлар билан қарши олаётган бўлади. Шоирлар шеърлар билан, муסיқачилар гўзал оҳанглар билан хукмдорнинг ғалабасини куйлайдилар. Шунда Хофиз Чангий ҳам бир савт басталайди ва уни хукмдорга ижро этиб беради. Савт хукмдорга шу даражада маъқул бўладики, бастакорни олтинлару совғаларга кўмиб юборади. Хофиз Чангий яратган ушбу савт эл орасида жуда машхур бўлиб кетади.

Бу ҳақда эшитган Махзумзода Хоразмий Хофиз Чангийни хузурига чакиради ва ўша машхур, янги савтни ижро этиб беришини сўрайди. Ижрони тинглаган Махзумзода Хоразмий бастакорнинг маҳоратига тан беради. Хофиз Чангий унга шогирд бўлмоқчи эканини билдиргач, таҳсил ола бошлайди. Устозининг тавсияларига амал қилган ҳолда Хофиз Чангий қисқа вақт ичида биргина мақом пардаларига асосланган ўн еттита пешрав басталайди. Бу пешравларнинг барчаси нафақат халқ орасида, балки хонанда ва созандалар орасида ҳам танилиб кетади. Барча мажлисларда доимо ана шу пешравлардан бири албатта ижро этилар эди.

Дарвиш али Чангий юксак мақтовлар билан тилга олган яна бир олим ва муסיқа илмининг соҳиби Амир Алиакбар Самарқандий ноёб ижодкор бўлган. У Самарқандда таҳсил олган бўлиб, шайх ул ислом мартабасига эришади. Шундай бўлсада муסיқа илми билан ҳам шуғулланишни унумайди. Жуда кўплаб нақш ва савтларнинг бастакори сифатида ҳам танилади [1, Б.35].

Мавлоно Дарвеш, Мир Хокий, Мавлоно Пир Муҳаммад Кулол, Устод Тулоқ Найи, Устод Абдусаттор Қонуний, Устод Араб Қобузий ва Махдумзода Котиб сингари жуда кўплаб истеъдодли шахслар муסיқа илмини айнан шайх ул - ислом Амир Алиакбар Самарқандийдан ўрганганлари қайд этилади.

Қадимий рисолаларни кузатадиган бўлсак, уларда бастакорлар асосан муסיқа билимдонлари, мохир созанда ёки хонанда бўлиш билан бирга эл орасида обрў эътиборли бўлганликлари, ўз истеъдодлари билан кўпчиликни хайратлантирганликлари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Ана шундай ижодкорлардан бири 16-асрда Хиротда яшаган Мавлоно Қосим Қонуний бўлиб, у шох Тахмаспнинг невараси Султон Иброҳим хизматида бўлган. Султон унинг ижодини юксак баҳолаган ва рағбатлантириб турган. Мавлоно Қосим бир қанча пешрав, нақш ва савтлар яратган. Улар орасида “Нози ғамза” номли пешрав Ҳусайний мақоми пардаларида 1\2 доира усулида ижро этилади. Бу пешравнинг оҳанглари ниҳоятда гўзал ва латиф бўлганини Дарвиш Али Чангий ўз мусиқий рисоласида алоҳида таъкидлайди. Мавлоно Қосим басталаган яна бир машҳур пешрав Ҳижоз оҳангида, фахта усулида ижро этилади ва у “Бош оғриғи давоси” деб номланган.

“Мусиқий рисола”да Дарвеш Али Чангий Устоз Шоди номини ҳам алоҳида тилга олган. У ўз даврининг энг хурматли илм аҳилларидан бўлган. Мусиқашунослар унинг йўриқларини инобатга олганлар, тавсияларига қулоқ тутганлар. Устоз Шодининг 12 нафар бир биридан истеъдодли, тенги йўқ шогирдлари бўлган ва у Хиротда яшаб юрган даврларида Ироқ пардаларида, қар усулида ўн иккита нақш басталаган. Ҳар бир шогирдиган яратган нақшларини бирма бир ўргатган ва қайси шогирди аъло даражада ижро этса ўша нақшни унга совға қилишини айтган. Шогирдлари орасидан Хўжа Юсуф Андижоний ўзига берилган нақшни маромига етказиб ижро этади ва Устод Шоди уни шогирдига совға қилади [2, Б.134].

Кейинчалик бу нақш халқ орасида “Хўжа Юсуф нақши” номи билан танилиб кетади. Шу тариқа, Устод Шоди яна бир турк зарбида басталанган “Моҳи Ҳилол” номли нақшни чиройли ижро этгани учун шогирди Ғуломали Шунқорга, “Дили шиша” нақшини Мир Гурга, “Нақши Ханжара” куйини шогирди Али Кардга, яна бир нақшини эса шогирди Алижон Ғижжакийга тақдим этади. Бундан ташқари Устод Шоди бир қанча куйларни яратган бўлиб, бу куйлар наафақат созандалар орасида кўп ижро этилган, балки хонандалар ҳам бу куйларга сўз кўйиб, севиб ижро қилиб юрганлар.

Дарвеш али Чангий юқорида номлари келтирилган бастакорлардан ташқари мусиқа оламини янги асарлар, куйлар билан бойитган ижодкорларни ҳам айтиб ўтган. Улардан Мавлоно Миргуру, Али Шунқор, Устод Али, Устод кармал, Мавлоно Зайнулобиддин Румий, Алижон Ғижжакий, шох муҳаммад Дилдўз, Мавлоно Шайх Абдурахмон Румий ва бошқаларнинг яратган асарлари, ижоди ва мусиқий илмини алоҳида эътироф этган [3, Б.113].

Мана шу маълумотларнинг ўзиёқ Шарқда мусиқа илми нақадар юксак даражада ривожланганлиги, санъатга бўлган муҳаббат қанчалик эъзозланганлигини англатиб турибди. Бугунги кунда мусиқа илмидан сабоқ олаётган ҳар бир ёшни қадимда мана шундай олимлар мусиқамиз ривожига ўз хиссаларини кўшганликлари ҳақида хабардор қилишимиз лозим. Қолаверса, ёш тадқиқотчиларимиз уларнинг фаолиятларини тадқиқ этиб, изланиб, улар яратган ва ижро этган асарларни топиб, ўрганиб борсалар мусиқа илмига ўзларининг катта хиссаларини кўшган бўладилар.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. А.А.Семенов “Среднеазиатский трактат по музыке Дарвиша Али (XVII века)”, Тошкент, 1946 й.
2. А.Ш.Дадаев “Трактат Фароби о музыкальной науке: “Китабу-л-мусика ал-кабир” (“Большая книга о музыке)””, “Проблемы современной науки и образования” № 2 (171), 2022 й.
3. Матякубов Ш.Б. «Традиции “наставник и ученик” в обучении традиционного исполнительства.», “Проблемы педагогики» №2 (41), 2019 й.

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОН

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-8

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-8

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)